

2023 йилда Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича аҳолини хабардор қилиш



Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси Рўйхатга олиш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келмоқда;

Ер ресурслари ва Давлат кадастр бошқармаси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ходимлари билан биргаликда маҳалла ҳудудидаги аҳоли пунктлари кесимида жойларга чиққан ҳолда аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўрилмоқда.

2023 йилда Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича аҳолини хабардор қилиш мақсадида Маҳалла ва бошқа ташкилотларда учрашув ва ўқув семинарлар ташкил етилиб тарғибот ишлари амалга ошириб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистоннинг янги, мукаммал кадастр харитаси ёки республикамизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳри, маҳалласи-ю кўчаси, ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларга тааллуқли бўлган барча маълумотларни ўзида акс еттирган ягона ахборот базаси яратилишини таъминлайди.

2023 йилда Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича аҳолини хабардор қилиш мақсадида Маҳалла ва бошқа ташкилотларда учрашув ва ўқув семинарлар ташкил етилиб тарғибот ишлари амалга ошириб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистоннинг янги, мукаммал кадастр харитаси ёки республикамизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳри, маҳалласи-ю кўчаси, ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларга тааллуқли бўлган барча маълумотларни ўзида акс еттирган ягона ахборот базаси яратилишини таъминлайди.

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистикасининг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзага келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечими ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг демографик кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камида бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тавсия этади. Юртимизда мустақилликдан сўнг кенг кўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор 2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига айна пайтда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллати, елатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдормиз. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони, фуқаролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки ерта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй хўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллати, елатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий мавқеимиздан қатъий назар бирдек манфаатдормиз. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони, фуқаролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки ерта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сони, уй хўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Юртимизда ҳам 2023 йилда ўтказилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилнинг 1-25 ноябр кунларига кўчирилди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сон қарори билан мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур қарор билан 2021 йилнинг 1-25 ноябр кунлари Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнаобод туманида аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.